

658(043.3)

658.01

П 92

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

Кўлёзма ҳуқуқида

УДК: 334.75

**ПУЛАТОВ НОДИРЖОН ТОХИРОВИЧ**

**Очиқ акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув  
самарадорлигини ошириш йўллари  
("Ўзкимёсаноат" ДАК ОАЖлари мисолида)**

08.00.13 – Менежмент ва маркетинг

**Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини  
олиш учун тақдим этилган диссертация**

**АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2011й.



Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган

**Илмий раҳбар:** иқтисод фанлари доктори, профессор  
**Бекмуродов Адҳам Шарипович**

**Расмий оппонентлар:** иқтисод фанлари доктори  
**Хамидулин Михаил Борисович,**  
иқтисод фанлари номзоди  
**Валижонов Акмал Рахимович**

**Етакчи ташкилот:** Ўзбекистон Республикаси Президенти  
хузуридаги Давлат ва жамият қурилиши  
академияси Олий бизнес мактаби  
кошидаги Корпоратив бошқарув маркази

Ҳимоя 2011 йил "21" X соат 9<sup>00</sup> да Тошкент давлат  
иқтисодиёт университети хузуридаги иқтисод фанлари доктори илмий  
даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича Д.067.06.01 рақамли  
иқтисослашган кенгаш мажлисида бўлади.


Манзил: 100003. Тошкент ш., Ўзбекистон шох кўчаси, 49.

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университети  
кутубхонасида танишиш мумкин.

Автореферат 2011 йил "19" IX да тарқатилди.

**Иқтисослашган кенгаш илмий котиби**

иқтисод фанлари доктори,  
профессор



**Б.Б. Беркинов**

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

**Мавзунинг долзарблиги.** Ўзбекистонда мустикаллиқнинг дастлабки йилларидан бошлаб босқичма-босқич амалга оширилган институционал ислохотлар ҳамда йирик давлат корхоналарини акциялаштириш натижасида иқтисодий соҳалари тармоқлари ва очиқ турдаги акциядорлик жамиятлари вужудга келди. Ушбу тоифадаги корхоналар корпоратив тадбиркорликнинг дунёда тан олинган самарали шаклларида ҳисобланади.

Мамлакатимизда нисбатан қисқа давр ичида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги ва бошқа қонунларнинг қабул қилиниши тўлиқ маънода хусусий мулкчилик ҳуқуқини ҳимоя қилиш ҳамда иқтисодий ўсишни ҳаракатлантирувчи асосий кучга айланиши мумкин бўлган рақобатбардош миллий акциядорлик жамиятлари шаклидаги корпоратив тадбиркорликни ривожланишига муҳим асос яратди. Ҳозирги кунда акциядорлик жамиятлари (корпорациялар) миллий иқтисодийнинг истиқболини белгилашда кўпроқ роль ўйнамоқда ва улар ишлаб чиқариш қўламини кенгайтириш ҳамда янги иш ўринларини яратиш орқали муҳим ижтимоий-иқтисодий функцияларни бажармоқда. Шу билан бир пайтда акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимининг суфт фаолияти корпоратив тадбиркорликни самарали ташкил этиш, унга ички ва ташқи инвестицияларни жалб этишни кенгайтириш, истиқболли корпоратив стратегияни амалга ошириш каби устувор вазифаларни ҳал этишни кечиктирмоқда. Шу нуқтаи назардан мамлакатимиз Президенти Ислоом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида<sup>1</sup> “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунни танқидий қайта кўриб, янги таҳрирда ишлаб чиқиш ва қабул қилиш ҳамда унда корпоратив бошқарув ва назорат органларининг ваколатлари, ҳуқуқлари ва жавобгарлигини янада аниқ белгилаш лозим”лигини таъкидлаши ўта муҳим аҳамият касб этади.

Шуларни инобатга олганда очиқ акциядорлик жамиятлари ривожланиш стратегиясини танлашда корпоратив бошқарув органларининг ролини ошириш; акциядорлик жамиятлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш усуллари ва дивиденд сиёсатини, шунингдек, корпоратив бошқарувнинг ички корпоратив меъёрий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш иқтисодийни модернизациялаш ва ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш шароитида муҳим долзарб вазифалардан ҳисобланади.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Корпоратив тадбиркорликни ташкил этиш, акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқаришнинг назарияси ва амалиёти муаммолари И.Х.Ансофф, В.Т.Антонов, В.Багов, А.В.Бандурин, Н.И.Берзон, О.С.Вихерский, В.Мамай, А.Родыгин, Р.Энтов, Л.Кошкин,

---

<sup>1</sup> И.Каримов. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқарорлик жамиятини ривожлантириш концепцияси. // “Халқ сўзи”. № 220 (5135). 13.10.2010.

С.Кукура, Г.Б.Клейнер, А.Дости, Д.М.Михайлов<sup>2</sup> каби хорижий олимларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган ва уларнинг натижалари мазкур илмий ишнинг назарий ва услубий асосларини шакллантиришга асос бўлиб хизмат қилди.

Ўзбекистонда Б.Ю.Ходиев, Б.Б.Беркинов, И.Л.Бутиков, Д.Х.Суюнов, М.Б.Хамидуллин, А.А.Хошимов, Р.Ҳ.Қорлибоева, С.С.Ғуломов, Р.И.Яушев<sup>3</sup> ва бошқа олимлар Ўз илмий ишларида акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизими ва унинг миллий моделини шаклланиши босқичларининг ўзига хос бўлган афзаллик ва камчиликларини тавсифлашга катта эътибор қаратган. Шу билан бирга, илмий тадқиқотларда корпоратив бошқарув самарадорлиги муаммолари етарли даражада таҳлил қилинмаган. Бугунги кунда мавжуд бўлган илмий манбаларда маҳаллий корхоналар, жумладан, кимё саноати очик акциядорлик жамиятлари корпоратив бошқарув органларининг тузилмаси, ундаги кузатув кенгаш фаолияти самарадорлигини ошириш йўллари, улар фаолиятини ташкил этиш ва корпоратив стратегияни танлашда услубий ёндашувлар етарлича ишлаб чиқилмаган. Бундан ташқари, услубий ишланмалар ва тавсияларда кимё саноатида бошқарувнинг хусусийлаштиришдан кейинги тармоқ хусусиятлари кўриб чиқилмаган. Хусусан, кимё саноатида ишлаб чиқариш мажмуаси асосида ташкил этилган корпоратив тузилмалар учун зарур бўлган стратегик қарорлар қабул қилиш босқичида корпоратив бошқарув субъектларининг манфаатларини мувофиқлаштириш муаммоси етарлича ўрганилмаган. Ана шу ҳолатлар ҳамда ушбу соҳада тадқиқот натижаларига амалиётда талабнинг юқорилиги мазкур диссертация ишининг мавзусини танлаш, мақсад ва вазифаларини белгилашга асос бўлди.

**Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши мавзуси Тошкент давлат иқтисодийёт университети “Корпоратив бошқарув” кафедраси илмий-амалий тадқиқотлар режасига қиради.

---

<sup>2</sup> Ансофф И.Х. Новая корпоративная стратегия. / Пер. с англ. – СПб: ПитерКом, 1999. – 416 с.; Антонов В.Г. и др. Корпоративное управление: учебное пособие. – М.: ИНФРА – М, 2010. – 288 с.; Багов В.П. Корпоративный менеджмент. – М.: Изд.РЭА, 1999. – 246 с.; Бандурин А.В. Деятельность корпорации: монография. – М.: 1999. – 600 с.; Берзон Н.И. и др. Акционерное общество: капитал, правовая база, управление. – М.: Финстатинформ, 1995. – 156 с.; Вихерский О.С. Стратегическое управление. – М.: Гардарика, 1998. – 296 с.; В.Мамай. акционерные общества. Защита интересов акционера. – М.: Контур, 1998. – 80 с.; А.Радзигин, Р.Энгов. Корпоративное управление и защита прав собственности: эмпирический анализ и актуальные направления реформ. – М.: Институт экономики переходного периода, 2001. – 175 с.; Кошкин Л.И. и др. Менеджмент на промышленном предприятии. – М.: Наука, 2000. – 204 с.; Круг М.Б. Современные формы и механизмы корпоративного управления. – М.: Экономика, 2000. – 357 с.; Кукура С.П. Теория корпоративного управления. – М.: Экономика, 2004. – 478 с.; Михайлов Д.М. Эффективное корпоративное управление: учебное пособие. – М.: КНОРУС, 2010. – 448 с.

<sup>3</sup> Ходиев Б.Ю., Беркинов Б.Б. Корпоратив бошқарув: ўқув қўлланма. – Т.: “ADIB”, 2010. – 190 б.; Беркинов Б.Б. Корпоративные структуры: основы создания и управления. – Т.: Изд-во Национальной библиотеки им. А.Навои, 2005. – 127 с.; Бутиков И.Л. Қўймақли қозғалар бозори: дарслик. – Т.: “Консаудитинформ”, 2001. – 494 б.; Суюнов Д.Х. Корпоратив бошқарув механизми: муаммо ва ечимлар: монография. – Т.: Академия, 2007. – 200 б.; Хошимов А.А. Ўзбекистонда интеграцияланган корпорацияларни бошқариш: монография. – Т.: Шарқ, 2006. – 165 б.; Ғаффахова Ж.А., Яушев Р.И., Толипов К.Ф. Хамидуллин М.Б. Ўзбекистонда корпоратив бошқарувни жорий этиш муаммолари. – Т.: ИТМ, 2006. – 79 б.; Ғуломов С.С., Раҳмонов Х. Корпоратив ҳуқуқ. –Т.:“Ған”, 2004. – 703 б.; Қорлибоева Р.Ҳ. ва б. Корпоратив молия. – Т.: ДҶУ, 2010. – 260 б.

**Тадқиқотнинг мақсади:** кимё саноати очик акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув муносабатларини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича илмий-услубий ва амалий таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари.** Диссертацияда қўйилган мақсадга мувофиқ қуйидагилар тадқиқотнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

- корпоратив тадбиркорлик ва «корпоратив бошқарув» тушунчасини тавсифлашга назарий ёндашувларни тадқиқ этиш ва уларнинг моҳияти, эволюцияси ҳамда корпоратив бошқарувнинг хорижий моделларига хос бўлган жиҳатларни аниқлаш;

- кимё саноати корхоналарида акциядорлик капиталини бошқаришнинг ҳозирги ҳолатини баҳолаш ва уларда корпоратив бошқарув самарадорлигини ошириш муаммоларини ҳал этишнинг асосий йўналишларини белгилаш;

- хусусийлаштиришдан кейинги даврда кимё саноати акциядорлик корхоналари молиявий-иқтисодий фаолияти самарадорлигини баҳолаш;

- корпоратив бошқарув органларининг бошқарув тизимидаги энг муҳим элементлар сифатида корхоналарни ривожлантириш стратегияларини танлашдаги ролин тадқиқ этиш;

- акциядорлик жамиятлари иқтисодий самарадорлигини турли субъектлар (акциядорлар, мулк эгалари, давлат, молия тузилмалари, хўжалик ҳамкорлари) томонидан баҳолаш кўрсаткичларини таҳлил қилиш;

- дивиденд сиёсатини ҳамда акциядорлик жамиятларининг фаолият самарадорлигини баҳолаш усулларини такомиллаштириш бўйича услубий таклифлар ишлаб чиқиш;

- корпоратив бошқарув механизмларининг ички корпоратив меъёрий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот объекти ва предмети.** Республика кимё саноатида фаолият кўрсатаётган очик акциядорлик жамиятлари, шунингдек, улар иқтисодий тадқиқот объекти, тадқиқот предмети эса очик акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув ва корпоратив муносабатлар тизими ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг назарий ва методологик асосларини** Ўзбекистон Республикаси Президенти Илҳом Каримовнинг иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш ва эркинлаштиришни амалга ошириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишга оид асарлари, бозор иқтисодий ва менежмент назариясининг концептуал қоидалари, маҳаллий ва хорижий олимларнинг корпоратив бошқарув тизими соҳасидаги илмий ишланмалари ташкил этади.

Ўзбекистон Республикасининг акциядорлик жамиятлари фаолиятига алоқадор бўлган қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, ҳукуматнинг кимё саноатида очик акциядорлик жамиятлари ва бошқа корпоратив тузилмалар фаолиятини тартибга солиш соҳасидаги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика ҳамда Давлат мулки қўмиталари, “Ўзкимёсаноат” ДАКнинг расмий статистик маълумотлари,

диссертация тадқиқоти мавзуси бўйича даврий матбуот материаллар тадқиқотнинг ахборот базасини ташкил қилади.

**Тадқиқот усуллари.** Диссертацияда бошқарув қарорлари қабул қилишга тизимли, мақсадли ва дастурий ёндашувлар, эмперик таҳлил ва синтез, таққослаш ва таснифлаш, статистика ва моделлаштириш усулларидан кенг фойдаланилган.

**Тадқиқот гипотезаси.** Очiq акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувнинг самарали тизимини ташкил этиш, уларга инвестицияларни жалб қилиш, корпоратив муносабатлар мувозанатини таъминлаш имкониятини беради. Шу боис корпоратив бошқарувни хорижий тажрибаларни ҳисобга олиб такомиллаштириш унинг самарали тизимига ўтишни тезлаштиради.

**Ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар:**

- давлат корхоналарини хусусийлаштириш жараёнида ташкил этилган очiq акциядорлик жамиятларида корпоратив тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда самарали корпоратив бошқарувни жорий этишнинг илмий-услубий асослари;

- акциядорлик жамиятлари фаолиятига давлатнинг таъсир даражаси ва давлат иштирокининг оптимал улушини белгилаш ва уни аниқлаш услубияти;

- кимё саноати корхоналари ривожланиш стратегияларини танлашда корпоратив бошқарув органларининг ролини ва унинг самарадорлигини ошириш йўллари;

- кимё саноати корхоналари муваффақиятли фаолият кўрсатишининг асосий жиҳатларидан бири сифатида дивиденд сиёсатини такомиллаштириш бўйича услубий ёндашув;

- кимё саноати акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувнинг ички корпоратив меъёрий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш бўйича услубий таклифлар.

**Илмий янгилиги.** Диссертация ишининг илмий янгилигини ишлаб чиқаришни модернизация қилиш шароитида саноат корхоналарида корпоратив бошқарув механизмларини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича асосланган илмий-услубий ҳамда амалий таъсиялар ташкил этади ва улар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- акциядорлик капитали негизида корпоратив тадбиркорликни ташкил этиш шакллари, мақсад ва вазифалари ҳамда улар фаолиятини бошқариш тамойиллари илмий жиҳатдан умумлаштирилган;

- давлат корхоналари негизида ташкил этилган очiq акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув моделининг ўзига хос хусусиятлари очиб берилган ва уни такомиллаштириш йўналишлари асосланган;

- хусусийлаштиришдан кейинги даврда кимё саноати очiq акциядорлик жамиятлари ривожланиш тенденциялари ва молиявий-иқтисодий фаолияти самарадорлиги баҳоланган;

- кимё саноати акциядорлик жамиятларида давлатга тегишли акциялар пакетларини бошқариш ҳамда самарали мулк эгаларини шакллантиришнинг услубий асослари таклиф этилган;

- кимё саноати акциядорлик корхоналарининг ривожланиш стратегиясини танлаш ва уни амалга оширишда кузатув кенгаши маъсулиятини ошириш, дивиденд сиёсати ҳамда ички корпоратив меъёрий-хукукий механизмларини такомиллаштириш йўллари асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти** шундан иборатки, кимё саноати акциядорлик корхоналарида корпоратив бошқарув самарадорлигини ошириш бўйича асосланган илмий-услубий таклифлар иқтисодиётнинг турли тармоқларида корпоратив тузилмалар доирасида кейинги илмий-амалий тадқиқотлар ўтказиш, миллий акциядорлик компаниялари фаолияти стратегиясини ҳамда қонунчилик базасини такомиллаштиришга асос бўлиб хизмат қилади. Корпоратив бошқарув органлари самарадорлигини ошириш бўйича ишлаб чиқилган услубий тавсияларини бошқа акциядорлик жамиятларида қўллаш мумкин. Диссертация тадқиқотининг амалий натижалари, ҳозирги даврда йирик саноат корхоналари бошқарувини модернизация қилиш ҳамда ишлаб чиқаришини диверсификациялаш дастурларини ишлаб чиқишга хизмат қилади.

Диссертация материалларидан “Корпоратив бошқарув” фани бўйича маъруза матнлари ҳамда кейс-стадилар тайёрлашда, амалий машғулотлар ўтказишда фойдаланиш мумкин.

**Натижаларнинг жорий қилиниши.** Диссертация ишининг асосий натижалари Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмигасида (далолатнома 3.08. 2011 йил, № 04/23-1729) акциядорлик корхоналарида корпоратив бошқарув самарадорлигини ошириш бўйича берилган таклиф ва тавсиялар ҳамда Тошкент давлат иқтисодиёт университетида (далолатнома 30 июль 2011 йил) “Корпоратив бошқарув” фанини ўқитиш жараёнида фойдаланиш учун қабул қилинган.

**Ишнинг синовдан ўтиши.** Диссертация ишининг асосий натижалари ва хулосалари “Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграллашуви ва иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш истиқболлари” (ТДИУ, 2005), “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида Ўзбекистон тараққиёти ва халқ фаровонлигини ошириш истиқболлари” (ТДИУ, 2011), “Иқтисодиётни барқарор ўсиш суръатлари ва макроиқтисодий мутаносибликни таъминлашнинг асосий йўналишлари” (ТДИУ, 2011), “Мустақиллик йилларида Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланиш тенденциялари ва истиқболлари” (ТДИУ, 2011) мавзулари бўйича ўтказилган республика илмий-амалий анжуманларида маърузалар қилинган ва маъқулланган.

Диссертация иши шунингдек, Тошкент давлат иқтисодиёт университети “Корпоратив бошқарув”, “Халқаро бизнес” кафедралари мажлисида ҳамда университет ҳузуридаги Д.067.06.01 – рақамли ихтисослашган кенгаш қошидаги 08.00.13 – “Менежмент ва маркетинг” ихтисослиги бўйича илмий семинарда муҳокамадан ўтган ва ҳимояга тавсия этилган.

**Натижаларнинг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот натижалари бўйича 7 та илмий мақола ва маъруза тезислари чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг умумий матни 174 бетдан иборат бўлиб, у 11та расм ва 13та жадвални ўз ичига олган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг “Корпоратив бошқариш самарадорлигини оширишнинг илмий-услубий асослари” деб номланган биринчи бобида корпоратив тадбиркорликнинг мақсади, вазифалари ва шакллари ҳамда акциядорлик капиталини бошқаришнинг назарий ва илмий-услубий асослари ўрганилган, корпоратив бошқарувнинг классик моделлари солиштирма таҳлил этилган, Ўзбекистонда корпоратив бошқарув модели ва механизмларининг ўзига хос жиҳатлари ҳамда шаклланиш босқичлари очиб берилган.

Хорижий ҳамда мамлакатимиз олимларининг олиб борган назарий ҳамда амалий тадқиқотлари шуни кўрсатадики, узоқ истиқболда иқтисодий тараққиёт ҳамда иқтисодий ўсишнинг аниқ механизмига риоя этиш билан таъминланган институтлар, яъни расмий ҳамда норасмий қондалар сифатига боғлиқ бўлади. Шу билан бир вақтда ушбу расмий ва норасмий қондалар-институтларни барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашдаги роли ва аҳамиятини пасайтириш, тўғри баҳоламаслик амалда у ёки бу соҳада ислохотларни чуқурлаштириш жараёнларини секинлаштириш, ривожланишнинг мавжуд имкониятларидан тўлиқ фойдаланмасликка олиб келади.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда бозор иқтисодиёти фаолият юритишининг зарурий институтлари амалдаги қонунларда ўз ифодасини топган. Шу билан бир вақтда янги шакланган корпоратив тадбиркорлик тузилмаларида бошқарув самарадорлигини таъминлаш рақобатни ҳамда мулкдорлар ҳуқуқини химоя қилиш муаммоларини ҳал этишда мавжуд институтлар самарадорлиги пастлиги кузатишмоқда. Корпоратив бошқарув муносабатлари соҳаси ушбу йўналишдаги институтлар самарадорлигини оширишда катта имкониятга эга ҳисобланади.

Ҳар қандай давлатнинг иқтисодиёти ўзаро алоқада фаолият кўрсатувчи ва шу билан бир пайтда бир-бири билан рақобатлашувчи кўп сонли унсурлардан таркиб топган кўп поғонали ва қатламли тизимни ифодалайди, бу унсурларнинг асосийси тадбиркорлик ҳисобланади. Усиз замонавий бозор иқтисодиёти бир маромда ва узлуксиз фаолият кўрсатиши ва барқарор ривожланиши мумкин эмас. Шуларни инобатга олиб диссертацияда тадбиркорлик, унинг акциядорлик шаклининг мақсади ва фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинган.

Тадбиркорлик иқтисодий фаолият субъектларининг ишлаб чиқаришни ташкил қилишга йўналтирилган мустақиллиги, фаоллиги ва ташаббускорлигига асосланган ижтимоий-иқтисодий ҳолатни ифодалайди. Ҳар қандай тадбиркорлик фаолияти, жумладан, акциядорлик жамиятлари (корпорациялар)нинг асосий мақсади бу – тадбиркорлик даромади ёки фойда олиш учун моддий ёки бошқа неъматлар ишлаб чиқариш ва бозорда



истеъмолчилар орасида таксимлашдир. Бундан ташқари, шу билан бир пайтда тадбиркорлик янги иш ўринлари яратиш, давлат ва маҳаллий бюджетларни солиқлар тўлаш йўли билан тўлдириш каби муҳим ижтимоий функцияларни бажаради.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, корпоратив тадбиркорлик узок шаклланиш даврини босиб ўтган ва дунё мамлакатлари ичида ушбу фаолиятнинг самарали шакли сифатида тан олинган. Австриялик социолог ва иқтисодчи Й.Шумпетер<sup>4</sup> ўзининг «Иқтисодий ривожланиш назарияси» китобида “тадбиркор иқтисодий омил сифатида аҳамияти бўйича капитал, меҳнат ва ер билан бир хил даражада туради”, деб таъкидлаган.

Тадбиркорликни ташкил қилишнинг акциядорлик шакли XIX асрнинг охирида вужудга келган бўлиб, иқтисодиёт ривожланиши қонуниятларидаги сифат ўзгаришлари, эркин рақобат тамойилларининг сусайиши, ишлаб чиқаришнинг марказлашуви билан асосланади. Корпоратив тузилмаларнинг ташкил этилиши ва ривожланиши капиталнинг горизонтал ва вертикал бирлашуви йўли билан рўй берган. Молия капиталининг бундай бирлашуви натижасида кўп сонли ижтимоий-хўжалик ва ишлаб чиқариш йўналишидаги акциядорлик жамият (корпорация)лари пайдо бўлган.

И.Ансофф таърифи<sup>5</sup> кўра, «корпорация бу – тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилишнинг иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда кенг тарқалган, юридик мақоми, ишбилармонлик мулки ва ёлланадиган ишлайдиган профессионал бошқарувчиларнинг юқори бўғинида бошқарув функцияларини кўзда тутадиган шаклидир». Д.М.Розенбергнинг ҳисоблашича<sup>6</sup>, «корпорация бу – ўз олдига белгиланган мақсадларни қўйган, жамият манфаатлари йўлида хизмат қиладиган, белгиланган ҳуқуқларга эга, доимий асосда фаолият кўрсатадиган ва чекланган масъулиятга эга юридик шахс ҳисобланган ташкилотдир».

Айнан корпорациялар саноати ривожланган мамлакатлар иқтисодий кучининг, миллий иқтисодиётларнинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигининг асосини ташкил қилишнинг тан олиш лозим. Бу ҳақда қуйидаги далил ҳам гувоҳлик беради: гарчи йирик корпорациялар зиммасига тадбиркорлик тузилмалари таркибида кичик улуш тўғри келсада, айнан улар миллий иқтисодиётнинг юзи ва сифатини, унинг жаҳон хўжалигидаги рақобатбардошлигини белгилаб беради. Масалан, АҚШда корпорациялар саноат фирмалари умумий сонининг атиги 18 фоизини ташкил этсада, бироқ бунда саноат маҳсулотлари ҳажмининг 90 фоизини ишлаб чиқаради<sup>7</sup>. Шу сабабли, Дж.К.Гэлбрейт ва бошқа бир қатор тадқиқотчилар<sup>8</sup> йирик

<sup>4</sup> Шумпетер Й. Теория экономического развития. – М.: 1982. – 170 с.

<sup>5</sup> Ансофф И.Х. Новая корпоративная стратегия: Пер. с англ.-СПб: Питер Ком, 1999. - 416 с.

<sup>6</sup> Розенберг Д. М. Бизнес. Менеджмент. Терминологический словарь. – М.: ИНФРА-М, 1997. - 462 с.

<sup>7</sup> Архангельский И. Ю., Голубович А. Д., Иванов М. М. США: условия для бизнеса – М.: Менател-Информ, Международные отношения, 1992.

<sup>8</sup> Galbraith J.K. The New Industrial State. L., 1991. P. 29.; Захаров В. Профессиональный стандарт члена Совета директоров // Журнал для акционеров. - 2002. - №6. - С.36.; Иноземцев В.Л. Цели и структура корпорации как основы ее конкурентоспособности // Проблемы теории и практики управления. – 2001. – № 3 – С. 63-68.

корпоратив тузилмаларни sanoat тизимининг асоси сифатида кўриб чиқадилар.

Таъкидлаш жоизки, корпорацияларнинг шаклланиши ва ривожланиши миллий иқтисодиётларнинг ривожланиш тенденцияси ҳисобланади, чунки йирик корпоратив тизимлар ривожланган мамлакатлар иқтисодиётининг ҳам, бутун жаҳон ҳўжалигининг ҳам асосини ташкил қилади. Улар ишлаб чиқаришни макроиқтисодий тартибга солишни оптималлаштиради, иқтисодиётни модернизациялаш стратегиясини шакллантириш ва амалга оширишда давлатнинг ҳамкори сифатида иштирок этади.


Корпорацияларнинг у ёки бу мамлакат иқтисодий тизимидаги ўрни ва роли уларнинг умумий такрор ишлаб чиқариш жараёнидаги фаолияти, унинг ресурслар билан таъминланганлиги билан белгиланади. Йирик тадбиркорлик ишлаб чиқаришни юқори даражада умумлаштириш, капитални бирлаштириш ва марказлаштиришга асосланади. У sanoat ишлаб чиқариш салоҳиятининг негизини ташкил қилади.

Шуларни инобатга олиб, диссертацияда корпорациялар шакллари, уларни ўзига хос хусусиятлари, корпоратив бошқарув тизими ҳамда моделларининг тавсифи таҳлил қилинган ва баҳоланган.

Корпоратив бошқарув соҳасидаги Ўзбекистон олимлари ва мутахассисларининг<sup>9</sup> таъкидлашича, мамлакатда корпоратив муносабатларнинг ривожланиш жараёни умуман олганда бозор муносабатларига ўтиш йўллари ва уларнинг иқтисодий ривожланиш хусусиятига таъсири билан тўғридан-тўғри боғлиқ жиҳатларга тобора эга бўлиб бормоқда. Айнан иқтисодиёт тармоқларида олиб борилган ислохотлар жараёни кўп жиҳатдан давлатнинг кунунчилик тизими хусусиятлари, иқтисодий, ижтимоий ва технологик шарт-шароитлари билан боғлиқ бўлган ҳолда акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув моделини шаклланиши ва ривожланиши билан боғланади. Шулардан келиб чиқиб диссертацияда миллий корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш ва унинг самарали фаолият кўрсатишини таъминловчи тамойилларга мос вазибалари асосланган (1-расм). Корпоратив бошқарув тамойиллари талабларини тўлиқ бажариш акциядорлик жамиятига энг кам сарф-харажат билан катта миқдорда узокка мўлжалланган инвестициялар жалб этишни, янги инновацион технологияларни фаол жорий этишни таъминлайди. Шунини инобатга олганда корпоратив бошқарув органлари акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоялаш, уларга бир хил муносабатда бўлиш, манфаатдор томонлар ҳамкорлигини рағбатлантириш, ахборотларни белгиланган вақтларда тўлиқ очиб бериш, корхона менежментини назорат

<sup>9</sup> Ходиев Б.Ю., Беркинов Б.Б. Корпоратив бошқарув. Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Ёзувчилар уюммаси Адабиёт жамғармаси “ADIB” нашриёти, 2010. – 190 б.; Хапимов А.А. Корпоратив бошқарув шаклидаги тузилмаларнинг ривожланиш истикболлари. Монография. Т.:Фан, 2003. – 111 б.; Хамидуллин М.Б. Концепция построения национальной модели корпоративного управления // Рынок, деньги и кредит. - Ташкент, 2007. - №5(120). - С.28-36.; Ягуев Р.И. Интегрированные корпоративные структуры и управление предприятиями с государственным участием в уставных фондах // Экономика и класс собственности - 2003. - №3. - С.7-14.

қилишни таъминлаш бўйича вазифаларни ҳал этишнинг самарали механизмларини қўллашни талаб этади.



\* Муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган.

### 1-расм. Корпоратив бошқарув тамойиллари ва унинг самарали тизимига ўтиш вазифалари\*

Ҳозирги пайтда республикаимизда корпоратив бошқарув моделининг такомиллаштириш ва уни самарали юритишига ҳал қилувчи таъсир кўрсатаётган омиллар орасида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- мамлакатдаги барқарор макроиқтисодий вазият ва иқтисодий сиёсат;
- жамиятда акцияларга эгалик қилишнинг муайян тузилмаси;
- молиялаштириш манбаларининг ўзаро нисбати;
- қонунчилик тизими ва ҳуқуқий маданиятнинг ривожланиш босқичлари ва замонавий хусусиятлари;
- юзага келган ишбилармонлик муносабатлари амалиёти;

• давлатнинг иқтисодиётга аралашув даражаси ва унинг ҳуқуқий тизимни тартибга солишдаги роли.

Кўрииб турибдики, мамлакат иқтисодиётидаги акциядорлик жамиятлари учун самарали корпоратив бошқарув тизимига ўтиш муаммоларини ижобий ҳал қилиш учун ташкилий-иқтисодий шароитлар етарлидир. Бирок, агар XX асрнинг 90-йилларида акциядорлик жамиятларини шаклланишининг назарий ва амалий масалалари кўпроқ аҳамиятга эга бўлган бўлса, ҳозирги пайтда интеграцион ўзаро алоқаларнинг оқилона йўллари излаб топиш, стратегик режалаштириш ва бошқариш, йирик интеграциялашган ишлаб чиқариш тузилмаларини оптимал таркибини яратиш, акциядорлар ҳуқуқини химоялаш корпоратив бошқарув ва назоратнинг энг долзарб муаммолари қаторига киради.

Диссертациянинг **“Ўзбекистон кимё саноати акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувнинг ҳозирги ҳолати ва самарадорлигини ошириш муаммолари”** деб номланган иккинчи бобида республика кимё саноати корхоналарида хусусийлаштиришдан кейин шаклланган мулк таркиби, бошқариш тизими ҳамда ривожланиш тенденциялари ҳам корпоратив бошқарув самарадорлиги баҳоланган, давлатнинг очиқ акциядорлик жамиятлари низом фондидаги ишгиروي тадқиқ этилган ҳамда уларда самарали мулк эгалари шаклланиш муаммолари асосланган.

Ўзбекистонда давлат корхоналарини акциялаштириш, иқтисодиётда уларнинг бозор фаолиги ошишининг муҳим омили бўлди. Шу боис иқтисодиётнинг барча базавий саноат тармоқларини кенг қамраб олган акциядорлик корхоналарининг корпоратив тадбиркорликни ҳамда мамлакатни индустриал ривожланишини таъминлашдаги етакчилик роли ҳозирги кунда объектив ҳолатдир. Шуларни инобатга олиб диссертацияда кимё саноатида ислохотларни чуқурлаштиришнинг ҳозирги босқичидаги устувор вазифалар, унинг ўзига хос хусусиятлари, тармоқ таркибий тузилмаси таҳлил қилган.

Кимё саноати катта экспорт салоҳиятга эга бўлган республика иқтисодиётининг базавий тармоқларидан бири ҳисобланади. Унинг иқтисодий ҳолати саноат ялпи маҳсулотидagi ўрни ҳамда бошқа тармоқларнинг, биринчи галда аграр секторнинг ривожланиши билан ўзаро боғлиқлиги билан белгиланади, чунки у қишлоқ хўжалиги учун ўта муҳим бўлган маъданли ўттилар ишлаб чиқаради.

Кимё саноатида амалга оширилган мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнлари тармоқда мулкчилик таркибининг тубдан ўзгаришига олиб келди. Тармоқда иқтисодий ислохотларни амалга ошириш даври мобайнида корхоналарни қайта ташкил этиш ёки акциядорлик жамиятига ёхуд маъсулияти чекланган жамиятига айлантириш, корхона акциялари ва мулкнинг бир қисмини хусусий секторга сотиш жараёни кечди. 2000-2009 йиллар давомида кимё саноатида 87 та корхона ва объект давлат тасарруфидан чиқарилиб хусусийлаштирилган. Уларнинг негизида 13 та акциядорлик жамияти, 3 та маъсулияти чекланган жамият ва 32 та хусусий

мулкчиликнинг бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклидаги корхоналар ташкил этилган ҳамда 39 та давлат объектлари хусусий мулкдорларга сотилган.

Тармоқда кимё саноатини модернизация қилиш сиёсатини амалга ошириш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, маркетинг тадқиқотлари ўтказиш, тармоқ корхоналарига инвестициялар жалб этиш ва шу каби бошқа стратегик вазифаларни ҳал этиш мақсадларида “Ўзкимёсаноат” давлат акциядорлик компанияси (ДАК) ташкил этилган. Компания таркибига 25 фоиздан 51 фоизгача давлат улушига эга бўлган кимё саноатининг 12 акциядорлик жамияти ҳамда “Қишлоқхўжаликкимё” ҳудудий акциядорлик жамиятлари кирди. Компания давлатга тегишли акциялар улуши орқали акциядорлик жамиятлари корпоратив бошқарув органларида иштирок этади.


“Ўзкимёсаноат” ДАК акциядорлик корхоналарини бошқаришдаги иштироки компания низом фондига ва ишончли бошқарувга топширилган давлат акциялар пакетлари орқали амалга оширилади. Компания акциядорлик жамиятлари кузатув кенгашлари таркибига сайланган вакилларига эга бўлиб, у ушбу вакиллар орқали ўз таркибига кирувчи акциядорлик корхоналари фаолиятини бошқаради ва мувофиқлаштиради.

“Ўзкимёсаноат” ДАК таркибида “Навоиозот” ОАЖ, “Фарғонаазот” ОАЖ, “Аммофос” ОАЖ, “Самарқандкимё” ОАЖ, “Қўқон суперфосфат заводи” ОАЖ ҚК, Кўнғирот сода заводи каби йирик саноат корхоналари фаолият кўрсатади. Диссертацияда ушбу ва шу тоифадаги бошқа корхоналарнинг асосий ишлаб чиқариш йўналишлари, ривожланиш манбалари ҳамда акциялар пакетларининг акциядорлар гуруҳлари бўйича тақсимланиши таҳлил қилинган ва хусусийлаштришдан кейинги даврда уларнинг молиявий-иқтисодий фаолиятининг самарадорлик натижалари баҳоланган.

Республикада сўнги йиллар мобайнида кимё саноатида олиб борилган иқтисодий ислохотлар жараёнида тармоқ корхоналарида маъданли ўғитлар ишлаб чиқариш ҳажмлари сақлаб қолинган ҳолда, уларнинг салмогини қисқартириш баробарида, кимё маҳсулотларининг янги турларини кўпайтириш ҳисобидан муваффақиятли ривожланишнинг навбатдаги босқичлари амалга оширилди. Натижада 2010 йилда “Ўзкимёсаноат” ДАК корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 980,9 млрд.сўмини ташкил қилган. Бу 2005 йилга нисбатан 2,3 марта кўпдир (2-расм).

Шунингдек ушбу даврда кимё ва нефт-кимё маҳсулотлари экспорт ҳажми қарийб 2,7 мартага ошган. Кимё ва нефт-кимё корхоналарининг ишлаб чиқариш ҳажми саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар умумий ҳажмининг 5 фоизини ташкил этади.

Кимё ва нефт-кимё саноати корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган умумий ҳажми 3900 минг тоннадан ортиқ алоҳида турдаги маҳсулот таркибида синтетик аммиак 32,4 фоиз (1265,3 минг.тонн), олтингугурт кислотаси 24,5 фоиз (954,6 минг.тонн)ни ташкил қилади.



\* Муаллиф томонидан “Ўзкимёсаноат” ДАК маълумотлари асосида тузилган.

## 2-расм. “Ўзкимёсаноат” ДАК фаолияти асосий кўрсаткичларининг ўзгариш динамикаси\*

Диссертацияда кимё маҳсулотлари, шу жумладан, минерал ўғитлар ишлаб чиқариш ҳамда уларни экспорт қилиш динамикаси “Ўзкимёсаноат” ДАК ва унинг корхоналари молиявий кўрсаткичларига таъсири таҳлил қилинган. Таҳлиллар кўрсатадики, 2005-2010 йиллар давомида компания корхоналарида сотувдан тушган даромад ҳажми 2 мартага ошган, соф фойда эса қарий 5 мартага кўпайган. Шунга қарамасдан компанияда ушбу даврда дебиторлик қарзлари 4,3 мартага, кредиторлик қарзлари эса 3 мартага ортган. Аммо 2010 йилга келиб кечиктирилган дебиторлик қарзлари компания бўйича 18,3 млрд.сўмни, кредиторлик қарзлари эса 45,8 млрд.сўмни ташкил этган. Шу билан бир пайтда компаниянинг баланс фойдаси бўйича рентабеллик коэффициенти 2010 йилда 2005 йилга нисбатан 0.02га, жорий ликвидлик ҳамда ўз айланма воситалари билан таминланганлик коэффициенти эса ушбу даврда мос равишда 0.06 ва 0.12га ошган (1-жадвал). Бундай ижобий тенденциялар компания маҳсулотлари истеъмолчиларининг тўловчанлик қобилияти ошганлигини ва шу билан бир вақтда ўз корхоналарининг ҳам молиявий аҳволи яхшиланиш ҳолатини кўрсатади. Ушбу ҳолатлар компаниянинг жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсирини юмшатишга қаратилган чоралари, айниқса, компания корхоналари маҳсулотлари экспортини кенгайтириш билан бирга хом ашё ва материаллар импортини қисқартириш бўйича олиб бораётган фаол сиёсати самарасидир.

«Ўзкимёсаноат» ДАК молиявий кўрсаткичлари ўзгариш динамикаси\*  
(млрд.сўм)

| Кўрсаткичлар   | Йиллар |       |        |        |        |        | 2010 йил<br>2005<br>йилга<br>нисбатан<br>ўсish (+),<br>камайиш<br>(-), марта,<br>(%) |
|--|--------|-------|--------|--------|--------|--------|--|
|  | 2005   | 2006  | 2007   | 2008   | 2009   | 2010   |  |
| Даромад (сотувдан соф тушум)                             | 814,3  | 864,0 | 1101,9 | 1266,4 | 1396,3 | 1661,6 | +2,0   |
| Соф фойда  | 6,9    | 11,1  | 17,8   | 65,9   | 20,6   | 33,5   | +4,9   |
| Дебиторлик қарзлари                                      | 375,5  | 438,3 | 815,6  | 1011,8 | 1352,4 | 1619,2 | +4,3   |
| Кечиктирилган дебиторлик қарзлари                        | 116,4  | 119,5 | 22,2   | 130,3  | 185,7  | 18,3   | -85%   |
| Кредиторлик қарзлари                                     | 478,5  | 548,2 | 806,3  | 1081,5 | 1473,8 | 1420,8 | +3,0   |
| Кечиктирилган кредиторлик қарзлари                       | 137,5  | 62,9  | 40,4   | 111,8  | 275,1  | 45,8   | -77%   |
| Баланс фойдаси бўйича рентабеллик коэффициенти           | 1,99   | 2,30  | 2,29   | 6,72   | 2,02   | 2 01   | +0,02  |
| Мутлақ ликвидлик коэффициенти                            | 0,42   | 0,41  | 0,27   | 0,29   | 0,21   | 0,03   | -0,39  |
| Жорий ликвидлик коэффициенти                             | 1,19   | 1,48  | 1,40   | 1,57   | 1,39   | 1,25   | +0,06  |
| Ўз айланма воситалари билан таъминланганлик коэффициенти | 0,12   | 0,24  | 0,22   | 0,29   | 0,21   | 0,24   | +0,12  |

\* Муаллиф томонидан «Ўзкимёсаноат» ДАК маълумотлари асосида тузилган.

Шу билан бир қаторда «Ўзкимёсаноат» ДАК корхоналарга инвесторларни жалб қилиш бўйича ҳозирги пайтда фаол инвестицион сиёсат юритмоқда. Унинг асосий мақсади энергия тежамкорлиги сезиларли бўлган ҳолда энг юқори унумдорликни таъминлаш ҳисобланган маҳаллий ва хорижий инжиниринг компанияларининг энг янги ишланмаларини қўллаган ҳолда аммиак ишлаб чиқариш бўйича йирик тоннажли агрегатларни модернизациялаш ва қайта таъмирлаш бўйича ташкилий чора-тадбирлар ҳисобланади. Ушбу мақсадга мувофиқ компания корхоналарини ривожлантириш ва техник қайта жиҳозлаш дастури амалиётда фаол қўлланмоқда ва шу туфайли ишлаб чиқаришини модернизациялаш ва техник қайта жиҳозлаш, чиқарилаётган кимёвий маҳсулотлар турларини бозор талабларига мувофиқ оптималлаштириш учун хорижий инвестицияларни жалб этиш қўлами кенгаймоқда.

Хулоса қилиб айтганда, хусусийлаштиришдан кейинги даврда кимё саноати корхоналарида маҳсулотларни асосий турларини ишлаб чиқариш барқарорлашган ва улар ўсиб бориш тенденциясига эга. Ана шу ҳолатлар компания корхоналарининг молиявий аҳволини яхшилашга олиб келган. Шунини инобатга олиб, диссертацияда компания таркибига кирувчи «Навоизот» ОАЖ ва «Аммофос» ОАЖнинг кейинги 2005-2010 йиллардаги ҳўжалик фаолиятининг молиявий натижалари таҳлил қилинди (2-жадвал).

Таҳлиллар шунини кўрсатадики, иккала корхонада ҳам ишлаб чиқариш ҳажмларининг 2005-2008 йилларда ошиб бориши, сотувдан олинган соф даромадларнинг ҳам ўсишини таъминлаган. Шу билан бир вақтда 2009 йилдан бошлаб жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози салбий оқибатлари таъсирида ушбу корхоналарда ишлаб чиқарилаётган кимё маҳсулотлари баҳоси тушиб кетиши ва, ақсинча, ички харажатлар миқдори ортиши уларда ялпи ҳамда соф фойда даражасини пасайишига сабаб бўлган. Аммо ушбу ҳолат 2010 йил тубдан ижобий томонга ўзгарган.

«Аммофос» ОАЖ 2005-2010 йилларда маҳсулот сотишда олинган соф тушум, шунингдек, соф фойда бўйича ижобий кўрсаткичларга эга бўлди. Хусусан, соф тушум 2010 йилда 175,2 млрд. сўмга тенг бўлди. Бу 2005 йилга нисбатан 2,9 мартага кўпдир. Ёки соф даромад ўсиши шу даврда 114,8 млрд. сўмга тенг бўлган. 2010 йилда «Аммофос» ОАЖ олган ялпи фойда 36,2 млрд. сўмни ташкил қилган, ёки 2005 йилга нисбатан ўсиш суръати 3,6 мартага тенг бўлган, мос равишда ушбу кўрсаткичнинг ижобий томонга ўзгариши ҳам жиддий бўлди: +26,7 млрд. сўм. Шу билан бирга соф фойда 2010 йилда 2005 йилга нисбатан 13,7 млрд.сўмга, 2009 йилга нисбатан эса 13,45 млрд.сўмга кўпайган. Худди шундай ижобий тенденцияларни «Навоизот» ОАЖ фаолияти кўрсаткичлари ўзгаришида ҳам кузатиш мумкин (2-жадвал).

Ушбу корхоналарнинг 2010 йилдаги молиявий-иқтисодий ҳолатининг яхшиланиши, соф фойда ҳажмининг 2009 йилга нисбатан ўсиши корхоналар акциядорларига дивидендлар тўлаш имкониятини кенгайтиради. Шу билан бирга, кимё саноати акциядорлик жамиятларини молиявий ҳолатини янада яхшилаш, уларни инвесторлар учун жозибadorлигини ошириш вазифаларини ҳал этишни тақозо этади. Бу ўз навбатида компания таркибига кирувчи очик акциядорлик жамиятлари фаолиятида давлатнинг иштироки ҳамда уларда самарали мулк эгаларини шакллантириш масалаларини долзарб қилиб қўяди. Шуларни инобатга олиб диссертацияда давлатга тегишли мулкни корпоратив бошқариш ҳамда акциядорлик жамиятида самарали мулк эгаларини шакллантиришнинг услубий ёндашувлари ўрганилган. Таҳлиллар кўрсатадики, акциядорлик жамиятлари шаклланиши жараёнида давлат манфаатларини аниқ белгилловчи корпоратив бошқариш тизимидаги механизм самарали ишлаб чиқилмагашлиги туфайли, жамиятни бошқарув тузилмаси стратегик инвесторларнинг манфаатларига тўлиқ мос келмаган. Бу асосан, қўлаб кимё саноати акциядорлик жамиятларида давлат мулки улуши юқорилиги билан изоҳланади. Шу сабабли айрим акциядорлик жамиятларига инвестицияларни жалб этиш, корхоналарда самарали мулк эгалари шаклланиши, шу жумладан, хорижий сармоялар келиши нисбатан суст бўлган.



**«Ўзкимёсаноат» ДАК таркибига кирувчи «Аммофос» ва «Навоазот»  
очик акциядорлик жамиятлари молиявий фаолияти кўрсаткичларининг  
ўзгариш динамикаси,\* млрд. сўм**

| Кўрсаткичлар               | Йиллар |       |       |       |       |       | 2010 й. 2005<br>Йилга<br>нисбатан<br>ўсиш<br>(камайиш)<br>суръати,<br>марта, (%) | Кўрсаткич<br>ўзгариши<br>(+/-),<br>млрд.сўм |
|----------------------------|--------|-------|-------|-------|-------|-------|--|---|
|                            | 2005   | 2006  | 2007  | 2008  | 2009  | 2010  |  |   |
| <b>«Аммофос» ОАЖ</b>       |        |       |       |       |       |       |  |   |
| Сотувдан олинган соф тушум | 60,4   | 37,8  | 93,5  | 122,3 | 74,2  | 175,2 | +2,9   | +114,8                                      |
| Ялпи фойда                 | 10,0   | 11,4  | 15,4  | 55,4  | 15,1  | 36,2  | +3,6   | +26,2                                       |
| Соф фойда                  | 0,65   | 2,8   | 2,9   | 34,9  | 0,9   | 14,35 | +22,1  | +13,7                                       |
| <b>«Навоазот» ОАЖ</b>      |        |       |       |       |       |       |  |   |
| Сотувданолинган соф тушум  | 174,8  | 139,0 | 218,2 | 237,9 | 242,3 | 324,1 | +1,9   | +149,3                                      |
| Ялпи фойда                 | 42,6   | 31,2  | 42,6  | 46,6  | 18,6  | 26,1  | -40%   | - 16,5                                      |
| Соф фойда                  | 0,015  | 0,104 | 0,211 | 5,3   | 1,2   | 1,18  | +78,7  | +1,165                                      |

\* Муаллиф томонидан «Ўзкимёсаноат» ДАК маълумотлари асосида тузилган

Акциядорлик жамиятларида давлат мулкни бошқариш давлатнинг жамият олдидagi вазифаларини ҳал этиш заруриятида келиб чиқади ва бу тадбиркорлик рағбатларига путур етказмаслиги ва микродаражада локал самарадорликка хизмат қилиши лозим. Айни чоғда, самарадорликка салбий таъсир кўрсатадиган бошқа объектив омиллар ҳам мавжуд. Бу, аввало, бозор интизомининг, ишлаб чиқариш омиллари ва товарлар бозорида рақобатнинг сустлиги, давлат секторига хос бўлган бюджет чекловларининг юмшоқлиги, банкрот бўлишнинг мумкин эмаслиги билан ифодаланиши мумкин.

Шуларни ҳисобга олганда самарадорликни қуйидаги 2та кўрсаткич билан, яъни яқка ҳамда умумий кўрсаткичлар билан аниқлаш мумкин. Яқка самарадорлик ( $X_{як}$ ) кўрсаткичи бу - мулк эгасининг фойдасини максималлаштиришдир. Бундай кўрсаткичлар ҳар хил - рентабеллик, акциялар нархи, капиталлашув даражаси бўлиши мумкин. Яқка кўрсаткич мантқан жамоатчилик манфаатларига бўлган эҳтиёжни қондириш харажатлари натижасида давлат тадбиркорлиги самарасизлигининг олдини олади. Умумий самарадорлиги ( $X_{ум}$ ) – анча юқори кўрсаткич, бироқ у фақат шартли кўрсаткич қиймати сифатида аниқланади. Бизнинг фикримизча, ушбу кўрсаткичларга мувофиқ, агар  $X_{як} + X_{ум} \rightarrow \max$  бўлса, унда акциядорлик жамиятларини бошқаришда давлатнинг роли оптимал бўлади. Шундан келиб чиқиб, диссертацияда унинг асосий мезонлари таклиф этилган. Бунда

мезонлар давлатнинг акциядорлик жамиятидаги мулк улуши ҳамда унинг фаолиятида иштирок этиш даражаси бўйича муҳимлиги аниқланган. Самарали мулк эгасининг муаммоси кўп жиҳатдан макроектисодий шароитлар, солиққа тортиш, шартнома мажбуриятларини ижро этишнинг самарали тизими мавжудлиги ва шу кабилар билан боғлиқ. Шу муносабат билан “Ўзбеккимёсаноат” компанияси таркибига кирадиган ёки алоҳида олинган корхоналарда самарали мулкдорларни шакллантириш ва улар манфаатларини ҳимоя қилиш вазифаларини ҳал қилиш корпоратив бошқарув органлари фаолияти самарадорлигини ошириш билан узвий боғлиқ ҳисобланади.

Диссертациянинг **“Ўзбекистон Республикаси кимё саноати корхоналарида корпоратив бошқарув самарадорлигини ошириш йўллари”** деб номланган учинчи бобида кимё саноати корхоналарни ривожлантириш стратегияларини танлашда корпоратив бошқарув органларининг родини ошириш, акциядорлик жамиятлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш усуллари ва корпоратив бошқарувнинг ички корпоратив меъёрий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Президент Ислоҳ Каримов “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”да белгилаб берган устувор йўналишнинг муҳим вазифаларидан бири – бу корпоратив бошқарув органлари, шу жумладан, кузатув кенгашининг роли ва аҳамиятини ошириш ҳисобланади.

Маълумки, акциядорлик жамиятлари ривожланиши стратегиясини танлаш, уни амалга ошириш йўлларини асослаш ўта муҳим чора-тадбирлар доирасига киради. Чунки танланган стратегия қисқа ва узок истиқболни камраб олиши билан бирга, уни огишмай амалга ошириш жамият ривожига инвестицияларни жалб этиш муаммосини ҳал этишга қўмаклашади.

Шуларни ҳисобга олиб диссертацияда акциядорлик жамиятининг ривожланиш стратегиясини шакллантиришда Ўзбекистоннинг корпоратив қонунчилигига<sup>10</sup> кўра кузатув кенгаши ҳамда корхона менежментининг вазифалари таққосланма таҳлил қилинган ва амалдаги қонунчиликка кузатув кенгашининг акциядорлик жамияти ривожланиш стратегиясини шакллантириш ва уни бажарилишини назорат қилишда бевосита иштирок этишини таъминловчи нормалар киритиш мақсадга мувофиқлиги асослаб берилган.

Бунда асосий эътиборни кузатув кенгаши аъзоларини, менежментни назорат қилишдан, қарор қабул қилиш жараёнини яхшилаш вазифаларига қаратиш лозим. Улар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- кузатув кенгаши аъзолари турли манфаатдор томонларнинг вакиллари бўлишидан қатъий назар, улар бошқарув қарорлар қабул қилиш жараёнида юқори малакали (таъсирчан) эксперт ҳам бўлиши лозим;

---

<sup>10</sup> Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни, 26.04.1996й. № 223-1, 82-модда.

- кузатув кенгашининг фаолиятини аввалги қабул қилинган қарорлар самарадорлигини баҳолашдан янги қарорлар, жамият сиёсати ва стратегияларини кенг ва мазмунли муҳокама қилишга ўзгартириш керак;

- кузатув кенгаши аъзолари ахборот олишда кенг имкониятга эга бўлиши ҳамда иш вақтининг асосий қисмида жамиятдаги ишларни бажариши зарур;

- кузатув кенгаши аъзолари акциядорлик капиталини қўпайтириш жараёнининг фаол иштирокчисига айланиши ва улар меҳнатига муносиб ҳақ тўланиши лозим;

- корхона менежменти, кузатув кенгаши ва инвестициялар бозори иштирокчилари ўртасидаги ўзаро алоқалар жиддий равишда яхшиланиши зарур.

Ушбу вазифалар счимига эътиборни қаратиш ўзгаришларга мослашувчан, муқобил ва ишчан корпоратив қарорлар қабул қилишга қодир кузатув кенгаши яратилишига олиб келади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, кузатув кенгаши аъзолари акциядорлик жамиятининг ҳар томонлама асосланган стратегиясини ишлаб чиқиш учун у бутун стратегик режалаштиришнинг барча босқичларида самарали иштирок этиши талаб қилинади. Бунда кузатув кенгашининг роли айрим ҳолатлар бўйича режалар ишлаб чиқиш билан боғлиқ бўлмасдан, жамият ривожланишининг асосий йўналишларини асослаш ва уни динамик ҳаракатларга тайёрлашдан иборат бўлиши лозим. Шундан келиб чиқиб, кузатув кенгаши стратегик ривожланиш жараёнида энг бошидан вужудга келадиган муаммоларни аниқлаган ва таркиблаган ҳолда қатнашиши лозим. Кузатув кенгашининг фақат шундай ишчан ҳаракатигина ҳамкорлик муносабатларининг ривожланиши, менежерларнинг кенгаш аъзолари ташаббуси билан стратегияда қабул қилинган ўзгаришларга ижобий муносабатда бўлишига хизмат қилади.

Юқорида қайд этилган ҳолатларга мувофиқ, кимё саноати акциядорлик жамиятларида кузатув кенгаши, бизнинг фикримизга кўра, корпоратив бошқарувнинг қуйидаги стратегик ёндашув тамойилларига асосланиши лозим: 1) корпоратив стратегиянинг концептуал асосларини ишлаб чиқиш; 2) танлаб олинган корпоратив стратегияни амалга оширилишини таъминлаш; 3) бошқарув диагностикаси асосида муаммоли вазиятларни аниқлаш; 4) акциядорлик жамиятининг жорий стратегик аҳволини баҳолаш; 5) корпоратив стратегияни амалга ошириш натижаларини таҳлил қилиш; 6) стратегияга тузатиш киритувчи тадбирлар билан бирга, янги корпоратив стратегияни ишлаб чиқиш ва қайта кўриб чиқиш заруратини баҳолаш.

Ушбу тамойиллар асосида корпоратив стратегияни асослаш, молиявий-иқтисодий вазиятларни прогноз қилишнинг математик моделлар тизими орқали амалга оширилиши мумкин. Бунда ҳар қандай моделнинг у ёки бу турга мансублиги тавсифланаётган иқтисодий масаланинг хусусиятлари билан белгиланади. Уларни вақт кўрсаткичларининг ўзгариши бўйича статистик ва динамик моделларга ажратса бўлади. Диссертацияда ушбу

тоифага кирувчи моделларнинг ўзига хос хусусиятлари кўрсатиб берилган ҳамда корпоратив стратегияни асослаш учун корхоналар иқтисодий ҳолатини прогноз қилишнинг эконометрик моделлари ишлаб чиқилган ва улардан фойдаланиб “Ўзкимёсаноат” ДАК ҳамда унинг таркибига кирувчи акциядорлик жамиятлари ривожланишининг асосий кўрсаткичларининг истикболда ўзгариши прогноз қилинган (3-жадвал).

3-жадвал.

**“Ўзкимёсаноат” ДАК ва “Аммофос” ОАЖ ривожланишининг молиявий кўрсаткичларининг прогноз вариантлари\***

(млрд.сўм.)

| Кўрсаткичлар   | Ҳақиқатда |        | Прогноз |        |        |        |        | R <sup>2</sup> |
|--|-----------|--------|---------|--------|--------|--------|--------|----------------|
|  | 2009й.    | 2010й. | 2011й.  | 2012й. | 2013й. | 2014й. | 2015й. |                |
| <b>“Ўзкимёсаноат” ДАК</b>                              |           |        |         |        |        |        |        |                |
| <b>Даромадлар:</b>                                     |           |        |         |        |        |        |        |                |
| 1-варианг  | 1396,3    | 1661,6 | 1724,9  | 1884,4 | 2044,0 | 2203,5 | 2361,1 | 0,98           |
| 2-варианг  | 1396,3    | 1661,6 | 1733,7  | 1898,4 | 2064,1 | 2230,8 | 2398,6 | 0,98           |
| <b>Соф фойда:</b>                                      |           |        |         |        |        |        |        |                |
| 1-варианг  | 20,6      | 33,5   | 42,6    | 48,3   | 54,1   | 59,8   | 65,6   | 0,65           |
| 2-варианг  | 20,6      | 33,5   | 59,0    | 68,7   | 78,6   | 88,8   | 99,3   | 0,71           |
| <b>Баланс фойдаси бўйича рентабеллик коэффициенти:</b> |           |        |         |        |        |        |        |                |
| 1-варианг  | 2,02      | 2,01   | 5,2     | 5,9    | 5,9    | 6,3    | 6,6    | 0,52           |
| 2-варианг  | 2,02      | 2,01   | 3,6     | 3,8    | 3,9    | 4,0    | 4,2    | 0,65           |
| <b>“Аммофос” ОАЖ</b>                                   |           |        |         |        |        |        |        |                |
| <b>Даромадлар:</b>                                     |           |        |         |        |        |        |        |                |
| 1-варианг  |           | 175,2  | 208,9   | 217,0  | 231,2  | 237,4  | 243,2  | 0,99           |
| 2-варианг  |           | 175,2  | 172,3   | 192,4  | 232,8  | 253,0  | 273,1  | 0,80           |
| <b>Ялпи фойда:</b>                                     |           |        |         |        |        |        |        |                |
| 2-варианг  |           | 36,2   | 36,8    | 40,9   | 49,1   | 53,1   | 57,2   | 0,64           |
| 1-варианг  |           | 36,2   | 60,7    | 68,5   | 84,3   | 92,2   | 100,1  | 0,61           |
| <b>Соф фойда:</b>                                      |           |        |         |        |        |        |        |                |
| 1-варианг  |           | 14,3   | 35,5    | 40,7   | 51,1   | 56,3   | 64,5   | 0,51           |
| 2-варианг  |           | 14,3   | 16,1    | 19,9   | 29,0   | 34,1   | 39,7   | 0,58           |

\* Муаллиф ҳисоб-китоблари асосида тузилган.

Прогноз вариантлари корхоналар ривожланишининг ҳозирги тенденциялари сақланиб қолинишини (1-варианг) ҳамда иқтисодий ўсишини таъминловчи омилларни, шу жумладан, корпоратив бошқарув органлари фаолиятини кучайтириш ҳисобига ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, технологик янгилаш учун корхоналарга ички ва ташқи инвестицияларни жалб этишни янада кенгайтиришни ҳисобига олиб ишлаб чиқилган (2-варианг). Ҳисобларга кўра “Ўзкимёсаноат” ДАК умумий даромадлари 2015 йилда, 2010 йилга нисбатан 1-варианг прогнози бўйича 42 фоизга, 2-варианг бўйича 44 фоизга ошиши мумкин. Шунга мос равишда соф фойда ва баланс фойдаси бўйича рентабеллик коэффициенти ҳам ўсиш тенденциясига эга. Аммо ушбу кўрсаткичлар прогнозининг детерминация коэффициенти.

прогноз кўрсаткичлари моделда ҳисобга олинмаган бошқа омилларга ҳам боғлиқлигини кўрсатади.

“Аммофос” ОАЖда ҳам истикболда даромад, ялпи ва соф фойда ҳажмлари юқори ўсиши кутилади. Корхонанинг умумий даромади 2015 йилда 243,2 млрд.сўмдан, 273,1 млрд.сўм оралиғида бўлиши мумкин. Ушбу кўрсаткичлар 2010 йилга нисбатан мос равишда 39 фоиздан 55 фоизгача кўпдир. Булар корхонада акциядорларга дивидендлар тўлаш ва ишлаб чиқаришни модернизация қилишга ўз инвестицияларини киритиш имкониятлари юқори бўлишини кўрсатади.

Диссертацияда акциядорлар учун акциялар жозибadorлигини таъминлаш имкониятини назарда тутувчи дивиденд сиёсатини такомиллаштириш ва унинг амалга ошириш вазифаларини ҳал этиш йўналишлари асосланган. Улар қуйидагиларни ўз ичига олади: мулкдорлар томонидан фойданинг жорий истеъмол қилиниши билан унинг келажақдаги ўсиши ўртасидаги муайян нисбатни ўрнатиш; жамиятнинг жорий ноишлаб чиқариш харажатларини камайтириш; акцияларнинг курс нархини ошириш; дивиденд тўловларининг барқарорлиги; корхона молиявий ҳолатининг барқарорлиги тўғрисида огоҳлантириш; барча иштирокчилар учун энг қулай бўлган тўлов шаклини (нақд пул, акциялар, жамиятнинг мол-мулки билан), шунингдек, дивидендларни тўлаш даврлари ва муддатларини белгилаш.

Шулардан келиб чиқиб, муаллиф томонидан диссертацияда акциядорлик жамиятларининг дивиденд сиёсати самарадорлигини баҳолашда фойдаланиладиган акция эгаларига дивиденд тўлаш моделлари тавсия этилган. Шуларни иноватга олиб, “Ўзкимёсаноат” ДАК таркибига кирувчи акциядорлик жамиятларининг дивиденд сиёсатини ишлаб чиқишда корхонанинг бозор қийматини оширувчи ва унинг стратегик ривожланишини таъминловчи мулкдорлар томонидан фойданинг жорий истеъмол қилиниши билан унинг келажақдаги ўсиши ўртасидаги муайян нисбатни ўрнатилиши мақсадга мувофиқдир. Соф фойдани дивидендларни тўлаш учун тақсимлаш ва қайта инвестиция сифатида йўнаттириш акциядорлик жамиятлари сиёсати ва стратегиясининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади чунки, корхона акцияларининг курси, хусусий капитал ҳажми ва унинг ўзгариши, ташқи манбаларни жалб қилиш зарурати дивидендлар миқдорига боғлиқ. Шу билан бирга, тармоқ очик акциядорлик жамиятларида акциядорларга ажратилган дивидендларнинг бир қисмини қайта инвестициялаш қилиш имкониятларини кўриб чиқиш зарур.

Ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида давлат иқтисодий сиёсатининг асосий устуворликларидан бири – барқарор ва юқори иқтисодий ўсишни таъминлаш ҳисобланади. Бунда корпоратив қонунчиликни такомиллаштириш ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Шунини ҳисобга олиб, диссертацияда акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувнинг ички корпоратив норматив-ҳуқуқий механизмларини ривожлантириш ва уларни такомиллаштиришнинг услубий йўналишлари асосланган. Бу борада асосий вазифалар қуйидагилардан иборат бўлиши керак: акциядорлик жамиятларининг рақобатбардошлигини ошириш; келгусида ривожланиш

учун зарур мослашувчанликни таъминлаш; тадбиркорликни юритишнинг акциядорлик шаклидан фойдаланишни рағбатлантириш йўли билан фонд бозорини ривожлантириш; корпоратив бизнесни бир жойга тўплаш ва диверсификация қилиш учун ҳуқуқий таъминотни шакллантириш.

Ушбу вазифалар қуйидаги йўллар билан ҳал этилиши лозим: корпоратив низоларнинг олдини олиш ва уларни самарали ҳал этиш механизмларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш; мулк ҳуқуқини ҳимоялаш; қонун ҳужжатлари ва уларни қўллаш амалиётига корпоратив бошқарувнинг бутун жаҳонда тан олинган тамойилларини жорий этиш; корпоратив муносабатлар барча иштирокчилари, айниқса миноритар акциядорлар манфаатларининг мувозанатини ўрнатишга йўналтирилган ҳуқуқий тартибга солишни таъминлаш; юридик шахслар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини модернизация қилиш асосида бизнесни юритиш шаклларини такомиллаштириш; тадбиркорлик фаолиятини эркин юритиш учун ортиқча тусиқларга барҳам бериш.

Хулоса қилиб шунини таъкидлаш лозимки, республикамиз корпоратив қонун ҳужжатлари муайян камчиликларга эга бўлса-да, уни ривожланган қонунчилик сифатида баҳолаш мумкин, лекин корпоратив бошқарув даражасини ошириш учун биргина ҳуқуқий новацияларнинг ўзи етарли эмас. Бунда ички корпоратив ташаббуслар ва корпоратив маданият ҳам муҳим аҳамиятга эга. Агар корпоратив маданият соҳасидаги ютуқлар узоқ тарихий ривожланиш маҳсули бўлса, акциядорлик жамиятлари даражасида муайян ташаббуслар учун объектив шароитлар яратилиши керак.

## ХУЛОСА

1. Ўзбекистонда фаолият юритаётган акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув – бу қўйилган мақсадларга эришиш учун ҳўжалик юритувчи субъектлар манфаатларини уйғунлаштириш, акциядорлик капиталидан фойдаланиш, турли манфаатдор шахсларнинг ҳаракатларини самарали ташкил қилиш, мувофиқлаштириш ва назорат қилиш тизими ҳисобланади. Бундай вазифаларни ҳал этиш учун акциядорлик жамиятларида самарали корпоратив бошқариш тизимига ўттиш талаб этилади. Самарали корпоратив бошқарув муносабатларини амалга ошириш корпоратив бошқарувнинг асосий органи сифатида кузатув кенгашининг асосий функциялари ва вазифаларини аниқ қилиб белгилаш, уларни жамиятнинг ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга йўналтирилиши лозим.

2. Диссертацияда корпоратив бошқарувнинг турли унсурларидан фойдаланиш, уларнинг самарадорлиги ва аҳамиятини ошириш борасида хориж тажрибалар ҳамда маҳаллий олимларнинг ишланма ва таклифлари илмий гомондан умумлаштирилган. Шу билан бир вақтда корпоратив бошқарув моделларини шаклланиш босқичлари ҳамда уларни ўзига хос хусусиятлари очиб берилган ва таққосланган. Бу мамлакатимиз иқтисодийётида корпоратив секторнинг ривожланишини бошқаришни ташкиллаштиришда муҳим амалий аҳамиятга эгадир.

3. Тадбиркорлик фаолиятини юритишнинг корпоратив шакли республика учун нисбатан янги бўлиб, ҳали етарли даражада бошқарув тажрибаси билан мустақамланмаган ва профессионал корпоратив тузилма менежерлари, бошқарув технологиялари ҳамда методологик базанинг ва қимматли қоғозлар бозорининг етарлича ривожланмаган шароитларида фаолият юритмоқда. Ҳозирги босқичда корпоратив бошқарувда муаммоли вазиятларнинг пайдо бўлиши мулкка эгаллик қилишни, уни бевосита бошқаришдан ажратиш ва корпоратив муносабатлар қатнашчиларининг асосий гуруҳлари манфаатлари ўртасидаги номутаносибликлар натижасида юзага келмоқда.

4. Корхонада акциядорлик мулкни назорат қилиш учун алоҳида гуруҳлар – корпоратив муносабатлар қатнашчиларининг уларни тақсимлашда тарқоқлик даражаси билан белгиланадиган акциялар пакетлари нисбати катта аҳамиятга эга. Хусусийлаштирилган корхоналарда мулкчилик тузилмасини тавсифлайдиган энг муҳим кўрсаткич, мамлакат корпоратив муносабатларнинг асосий қатнашчилари ўртасида акцияларни йирик улушлари кўринишида тақсимлаш ҳисобланади.

5. Ҳозирги пайтда мамлакатда корпоратив муносабатларнинг ривожланиш жараёни миллий иқтисодиётда бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос тамойиллари ва уларга иқтисодий ривожланишнинг ўзига хос танланган йўли кўрсатадиган таъсири билан боғлиқ жиҳатларга тобора эга бўлиб бормоқда. Айнан шу аснода мамлакатдаги тарихий жараёнлар, давлат-хуқуқий тизими хусусиятлари, иқтисодий, ижтимоий, табиий-географик шароитлар билан асосланадиган корпоратив бошқарувнинг ўзига хос моделининг шаклланишига асос бўлди.

6. Амалдаги корпоратив бошқарув тизими мулк эгаларининг ҳуқуқларини етарли даражада, айниқса, миноритар акциядорларни ҳимоя қилмаслиги уларни акциядорлик капиталини ортиқча марказлашувини таъминлаш, таъсир кўрсатувчи кучлар билан муносабатлар ўрнатиш, корхоналар фаолиятини ортиқча жорий назорат қилиш бўйича қўшимча харажатларга боришга мажбур қилади.

7. Корпоратив бошқарувнинг бош органи сифатида кузатув кенгашининг асосий функцияси акциядорлик жамияти фаолиятининг стратегик устувор йўналишларини аниқлаш ва уларнинг амалга оширилишини назорат қилиш ҳисобланади, шу сабабли бу вазифанинг сифатли ҳал этилиши учун жавобгарлик тўлалигича кузатув кенгашига юклатилиши лозим.

8. Кузатув кенгаши корхона бошқарув тизими фаолияти ҳақида аниқ ва тўлиқ маълумотларга эга бўлиши, унинг самарадорлиги пасайиши хавф-хатарни олдиндан кўра билиш ва аниқлаш, иш самарадорлигини ошириш бўйича амалий таклиф этилаётган чора-тадбирлар кўришни тезлаштиради. Шу нуқтаи назардан қаралганда кимё саноати акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувнинг асосий тамойиллари кузатув кенгаши томонидан корxonанинг «шаффоф»лиги, акциядорлар ва инвесторлар ишончининг ортиши, компаниянинг инвестицион жозибадорлиги ўсиши, корхонада

акциядорлар, менежерлар ва ишчи ходимлар манфаатлари мувозанатининг аниқ тартибга солиниши, ваколатларнинг акциядорлар йигилиши, кузатув кенгаши ва ижроия органлари ўртасида чегараланиши, ходимларнинг қабул қилинаётган бошқарув қарорлари ҳақида кенг хабардор қилинишини таъминлаш, корхона ва унинг тузилмалари фаолиятининг етарли ва зарур даражада ташкилий молиявий «шаффоф»лигини таъминлашни назарда тутадиган кетма-кетликдаги корпоратив стратегиянинг ишлаб чиқилишига асосланиши лозим.

9. Хўжалик фаолиятининг хавф-хатар шароитларида акциядорлар ҳуқуқларини химоя қилиш ва акциядорлик жамияти фаолияти самарадорлигини таъминлаш бўйича корпоратив бошқарув самарадорлиги даражаси жамият салоҳиятининг ўсиши билан белгиланади. Корпоратив бошқарув даражасига бевосита таъсир кўрсатувчи омиллари корпоратив бошқарув умумий салоҳиятини ташкил этувчи ўзаро боғлиқ таркибий қисмларни очиб бериш воситасида аниқлаш мумкин бўлиб, бунга муаллиф қуйидагиларни киритади: корпоратив бошқарув салоҳияти, ташкилий салоҳият, рақобатли ва инвестицион жалб этувчанлик салоҳияти, корпоратив маданият ва корхона нуфузи салоҳияти.

10. Кимё саноати акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувни самарали тизимга ўтиш бўйича услубий таклифлар акциядорлик капиталини корпоратив бошқаришнинг энг мақбул йўлини танлаш, кузатув кенгашининг ролини ошириш, рақобат шароитида инвестицион жозибадорликни таъминлаш, диссертацияда таклиф этилган корпоратив маданиятни шакллантиришни ҳисобга оладиган тўртта қисмда таркибланган концептуал моделни амалга ошириш билан боғлиқ.

11. Корпоратив бошқарувнинг ички корпоратив норматив-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш, қимматли қоғозлар бозори тизимини ривожлантириш, корхона бошқарув органлари тузилмаси таркибига қирадиган шахсларнинг жавобгарлигини оширишни ҳисобга олиш зарур. Шуларни ҳисобга олиб, диссертацияда корпоратив бошқарувнинг ички қонунчилик базасини такомиллаштириш йўллари ва уларни амалга ошириш тадбирлари асослаб берилган.

### **ЭЪЛОН ЭТИЛГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ**

1. Пулатов Н.Т. Особенности корпоративного управления в Республике Узбекистан. // Журнал налогоплательщика. – Ташкент, 2005. - № 4. – С. 47-48.

2. Пулатов Н.Т. Корпоративное управление в РУз. // Ўзбекистоннинг Жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви ва иқтисодий эркинлаштириш шароитида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш истикболлари: Университет ёш олимлари илмий-амалий анжуманининг маърузалар тўплами. – Тошкент: ТДИУ, 2005. - Б. 175-177.

3. Пулатов Н.Т. Корпоратив бошқарувни такомиллаштириш йўллари. // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. – Тошкент, апрель 2008. – Б. 81-83.



4. Пулатов Н.Т. Ўзбекистон Республикасида корпоратив бошқарув моделлари ва механизмлари.// Иқтисодиётда барқарор ўсиш суръатлари ва макроиқтисодий мутаносибликни таъминлашнинг асосий йўналишлари: Республика илмий-амалий анжумани маъруза тезислари тўплами. – Тошкент: ТДИУ, 2011. - Б. 211-213.

5. Пулатов Н.Т. Акциядорлик жамиятлари кузатув кенгаши вазибаларини такомиллаштириш йўллари.// Иқтисодиёт ва таълим. – Тошкент 2011. - № 2, - Б. 106-109.

6. Пулатов Н.Т. Пути повышения эффективности корпоративного управления в предприятиях химической промышленности.// Мустақиллик йилларида Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланиш тенденциялари ва истиқболлари: Республика илмий-амалий анжумани маъруза тезислари тўплами. – Тошкент: ТДИУ, 2011. - Б. 327-329.

7. Пулатов Н.Т. Очиқ акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув самарадорлигини ошириш йўллари.// Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида Ўзбекистон тараққиёти ва ҳалқ фаровонлигини ошириш истиқболлари: Республика илмий-амалий анжумани маъруза тезислари тўплами. – Тошкент: ТДИУ, 2011. - Б. 190-193.

Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасига талабдор  
Пулатов Нодиржон Тоҳировичнинг 08.00.13 – “Менежмент ва маркетинг”  
иختисослиги бўйича “Очиқ акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув  
самарадорлигини ошириш йўллари (“Ўзкимёсаноат” ДАК ОАЖ лари мисолида)”  
мавзусидаги диссертациясининг

## РЕЗЮМЕСИ

**Таянч (энг муҳим) сўзлар:** корпоратив тадбиркорлик, хусусийлаштириш, очиқ акциядорлик жамияти, корпоратив бошқарув, корпоратив муносабатлар, кузатув кенгаши, ривожланиш стратегияси, давлат улуши, инвестиция сиёсати, самарали мулкдор, дивиденд сиёсати

**Тадқиқот объекти:** республика кимё саноатида фаолият кўрсатаётган очиқ акциядорлик жамиятлари

**Ишнинг мақсади:** кимё саноати корхоналарида корпоратив бошқарув муносабатларини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича илмий-услубий ва амалий таклифлар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот усуллари:** тадқиқот жараёнида бошқарув қарорлари қабул қилишга тизимли, мақсадли ва дастурий ёндашувлар, эмперик таҳлил ва синтез, таққослаш ва таснифлаш, статистика ва моделлаштириш каби усуллардан фойдаланилган.

**Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги:** акциядорлик капитали негизида корпоратив тадбиркорликни ташкил этиш шакллари, мақсад ва вазифалари ҳамда улар фаолиятини бошқариш тамойиллари асосланган; давлат корхоналари негизида ташкил этилган очиқ акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув моделининг ўзига хос хусусиятлари ёритилган; хусусийлаштиришдан кейинги даврда кимё саноати очиқ акциядорлик жамиятлари ривожланиш тенденциялари ва молиявий-иқтисодий фаолияти самарадорлиги баҳоланган; кимё саноати акциядорлик жамиятларида давлатга тегишли акциялар пакетларини бошқариш ҳамда самарали мулк эгаларини шакллантириш бўйича таклифлар берилган; кимё саноати корхоналарининг ривожланиш стратегиясини танлаш ва уни амалга оширишда кузатув кенгаши маъсулиятини ошириш, дивиденд сиёсати ҳамда ички корпоратив меъёрий-ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш йўналишлари асосланган.

**Амалий аҳамияти:** тадқиқот натижалари ва хулосалари ҳозирги даврда маҳаллий саноат корхоналарининг бошқарувини такомиллаштириш, уларнинг ривожланиш дастурларини ишлаб чиқишда мақсадли фойдаланилиши мумкин.

**Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги:** диссертацияда ишлаб чиқилган асосий таклиф ва тавсиялар ЎЗР Давлат мулки қўмитаси томонидан акциядорлик жамиятлари амалий фаолиятида корпоратив бошқарув тизimini такомиллаштиришда фойдаланиш учун қабул қилинган..

**Қўлланиш соҳаси:** очиқ акциядорлик жамиятларининг корпоратив бошқарув жараёнлари.

## РЕЗЮМЕ

диссертации Пулатова Нодиржона Тохировича на тему: «Пути повышения эффективности корпоративного управления в открытых акционерных обществах (на примере ОАО ГАК «Узкимсаноат»)» на соискание ученой степени кандидата экономических наук по специальности 08.00.13 – «Менеджмент и маркетинг»

**Ключевые слова:** корпоративное предпринимательство, приватизация, открытое акционерное общество, корпоративное управление, корпоративные отношения, наблюдательный совет, стратегия развития, государственная доля, инвестиционная политика, эффективный владелец имущества, дивидендная политика.

**Объекты исследования:** открытые акционерные общества, функционирующие в химической промышленности республики и их экономика.

**Цель работы:** разработка научно-методических и практических рекомендаций по совершенствованию управления корпоративными отношениями и повышению его эффективности на предприятиях химической промышленности.

**Методы исследования:** системный, целевой и программный подходы к принятию управленческих решений, эмпирический анализ и синтез, методы сравнения и классификации, статистики и моделирования.

**Полученные результаты и их новизна:** обоснованы формы, цель и задачи организации корпоративного предпринимательства на основе акционерного капитала, а также принципы их управления; раскрыты особенности модели корпоративного управления акционерных обществ, организованных на базе государственных предприятий; оценены тенденции развития и эффективность финансово-экономической деятельности акционерных обществ химической промышленности после приватизации; даны предложения по управлению пакетами акций, принадлежащих государству в акционерных обществах химической промышленности, а также по формированию эффективных собственников имущества; обоснованы пути совершенствования механизма дивидендной политики и внутренних нормативно-правовых актов, а также повышения ответственности наблюдательного совета в выборе и осуществлении стратегии развития акционерных предприятий химической промышленности.

**Практическая значимость:** результаты и выводы исследования могут быть использованы при совершенствовании управления предприятиями промышленности и при разработке целевых программ их развития.

**Степень внедрения и экономическая эффективность:** разработанные в диссертации основные предложения и рекомендации автора, приняты Госкомимуществом РУз к внедрению в практической деятельности акционерных обществ республики при совершенствовании системы корпоративного управления.

**Область применения:** в процессе корпоративного управления в открытых акционерных обществах.

## RESUME

Thesis of Pulatov Nodirjon Tokhirovich on the scientific degree competition of the doctor of philosophy in economic sciences on specialty 08.00.13 – “Management and marketing”. Subject: “The ways of increasing effectiveness of corporate governance in open joint-stock companies (at the example of open joint-stock companies of State Joint-Stock Company “Uzkhimprom”)”

**Key words:** corporate entrepreneurship, privatization, open joint-stock company, corporate governance, corporate relations, supervisory board, development strategy, state share, investment policy, effective property owner, dividend policy.

**Subject of research:** open joint stock companies functioning in the chemical industry of the republic.

**Purpose of work:** working out the scientific and methodical, and practical suggestions on the improvement of corporate relations and management effectiveness at the enterprises of the chemical industry.

**Methods of research:** in the course of the research the author have used the system, purposeful and program approaches for managerial decision making, as well as methods of empirical analysis and synthesis, of classification and comparison, of statistics and modeling.

**The results obtained and their novelty:** based on share capital the aim, tasks and organization forms of corporate entrepreneurship as well as principles of their management were justified; the particularities of models of corporate governance of joint-stock companies organized on the basis of state entities were considered; development tendencies and effectiveness of financial and economic activity of joint-stock companies functioning in the chemical industry after privatization period were assessed; the suggestions on managing the state financial portfolio in the joint-stock companies of chemical industry as well as on formation of effective property owners were proposed; the ways on perfection the dividend policy and internal normative and legal mechanisms and the responsibility of supervisory board for selecting and implementing development strategies of the chemical industry enterprises were elaborated.

**Practical value:** the results and conclusions of dissertation can be applied now for improving the management process at the enterprises of local industry as well as in elaborating purposeful programs of their development.

**Degree of embed and economic effectively:** the basic suggestions and recommendations, developed in the dissertation have been accepted by the State Committee of the Republic of Uzbekistan for State Property Management to introduction in practical activities of joint-stock companies of republic at perfection of system of corporate management.

**Field of application:** can be applied in the process of corporate management in open joint-stock companies.

Босишга рухсат этилди: 17.09.2011  
Ҳажми: 6,5. Алади: 100. Буюртма: № 67  
“Top Image Media” босмахонасида босилди.  
Тошкент шаҳри, Я.Ғуломов кўчаси, 74-уй